

Тирноққа лак суртиш мумкинми?

18:37 / 24.04.2016 4616

Мен яқинда намоз ўқишни бошладим. Лекин тирноқларимга лак суртиб юраман, хизмат вазифам шуни тақозо қилади. Айтишларича, лак таҳоратга тўсқинлик қилар экан, шу ростми?

Тирноққа лак суртиш ва уни таҳоратга таъсири тўғрисида гапирадиган бўлсак, агар ўша суртилган лак қалин бўлиб, таҳорат қилган пайтда асл тирноққа сув етишига тўсқинлик қиладиган бўлса, жоиз эмас. Яъни, бу ҳолда таҳоратда ювилиши лозим бўлган баданнинг бир қисмига сув етмай қолган ҳисобланади. Опа-сингилларимиз лак суртиш пайтида шу қондани эсда тутишлари керак. Демак, қалин ва сувни ўтказмайдиган лаклардан четланиб юрсалар яхши бўлади (Аллоҳ билувчидир).